O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

JISMONIY MADANIYAT FAKULTETI

# “HOZIRGI TARAQQIYOT BOSQICHIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT MASHG‘ULOTLARINI TASHKIL QILISHNING ISTIQBOLLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR”

# ПЕРСПЕКТИВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ЗАНЯТИЙ ПО ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛТУРЕ И СПОРТУ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

# PROSPECTS OF ORGANIZATION OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman**

**2022 yil 28-29 aprel**

**Buxoro - 2022**

"Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili" ga bag'ishlangan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 7 martdagi 101- son farmoyishiga asosan Buxoro davlat universitetida xalqaro hamkorlar ishtirokida **202 yil 28-29 aprel** kunlari **"Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar"** mavzusida Respublika ilmiy retsenziyalangan onlayn-konferensiya o'tkaziladi.

**Anjumanning maqsadi:** Yosh avlodning harakat faolligini optimallashtirish muammolarini hal etishning yangi yo'llarini izlash, ularning jismoniy tayyorgarligi hamda jismoniy tarbiyasi jarayoniga yangi shakllar va metodlarni joriy qilish bobida metodologik va uslubiy sharoitlarini o'rganish.

**Anjumanning tashkiliy qo'mitasi:**

**DASTURIY QO'MITA**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | O.X.Xamidov | BuxDU rektori, rais |
| 2 | O.S.Qahhorov | BuxDU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor, rais muovini |
| 3 | B.B.Ma'murov | Jismoniy madaniyat fakulteti dekani, a'zo |
| 4 | M.J.Abdullaev | BuxDU pedagogika instituti jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedra mudiri. |
| 5 | R.S.Shukurov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi mudiri, a'zo |
| 6 | A.E.Sattorov | Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi mudiri, a'zo |
| 7 | R.X.Kadirov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi professori, a'zo |
| 8 | I.I.Saidov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi dotsenti, p.f.b.f.d. (PhD), a'zo |
| 9 | X.N.Xakimov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi dotsenti p.f.b.f.d. (PhD), a'zo |
| 10 | A.Sh.Inoyatov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti o'qituvchisi kafedrasi dotsenti p.f.b.f.d. (PhD), a'zo |
| 11 | F.B.Muzaffarova | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi katta o'qituvchisi p.f.b.f.d. (PhD), a'zo |
| 12 | R.S.Baymuradov | Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi dotsenti, a'zo |
| 13 | Ya.Z.Fayziev | Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi dotsenti, kotib |

**II TAShKILIY QO'MITA**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | B.B.Ma'murov | Jismoniy madaniyat fakulteti dekani, a'zo |
| 2 | S.Q.Qaxxorov | BuxDU xodimlar va talabalar kasaba uyushmasi raisi, a'zo |
| 3 | U.U.Rashidov | BuxDU moliya va iqtisodiyot ishlari bo'yicha prorektori, a'zo |
| 4 | G.T.Zaripov | BuxDU I va IPKT bo'limi boshlig'i, a'zo |
| 5 | R.S.Shukurov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi mudiri, a'zo |
| 6 | A.E.Sattorov | Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi mudiri, a'zo |
| 7 | Q.P.Arslonov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi professori, a'zo |
| 8 | G'.M.Salimov | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi professori, a'zo |
| 9 | M.M.To'raev | Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrasi dotsenti, a'zo |
| 10 | R.R.Raxmonov | "Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi" dotsenti, a'zo |
| 11 | O'.A.Farmonov | "Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi" dotsenti, a'zo |
| 12 | F.A.Narzullaev | "Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport kafedrasi" katta o'qituvchisi, a'zo |

Barcha ma'ruza tezislari (maqolalar) tahririyat tomonidan anonimlashtirilgan holatda tekshiriladi va tekshiruvdan ijobiy o'tgan ma'ruza tezislari nashr etiladi hamda har bir muallifga elektron SERTIFIKAT beriladi. Ma'ruza tezislarida berilgan ma'lumot uchun mualliflarning o'zlari javobgar hisoblanishadi. Konferensiya materiallari to'plamini 2022 yil 15 may kunidan boshlab https://interscience.uz rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.

Konferensiya to'plamida nashr etilgan ilmiy tezislar (maqolalar) **GOOGLE SCHOLAR, CROSSREF** xalqaro bazasida indeksatsiyalanadi, har biriga alohida Crossref **DOI** raqam beriladi.

Mazkur ilmiy amaliy-anjuman konferensiyada professor-o'qituvchilar va ilmiy tadqiqotchilar jismoniy tarbiya va sport yo'nalishida o'z ilmiy izlanishlari natijasida tayyorlangan ma'ruza tezislari (maqolalar) bilan qatnashadi

классических объектов измерения спортсмен имеет ряд отличий: изменчивость, многомерность, квалитативность, адаптивность и подвижность.

Таким образом, предметом спортивной метрологии (и теории измерений, в том числе) является комплексный контроль в физическом воспитании и спорте и использование его результатов в планировании подготовки спортсменов. Но более всего специалистов в области спортивной метрологии интересуют педагогические, биологические показатели, которые по своему содержанию нельзя назвать физическими. Методикой их измерений общая метрология практически не занимается, и поэтому возникла необходимость разработки специальных измерений, результаты которых всесторонне характеризуют подготовленность спортсменов. В этом и состоит особенность спортивной метрологии.

**Литература**


1. Смирнов Ю. И., М. М. Полевщиков. Спортивная метрология. Учебное пособие, Москва, 2001.
2. Трифонова Н.Н., Еркомайшвили И.В. Спортивная метрология. Учебное пособие, Из-во Уральского университета, Екатиренбург, 2016.
3. https://spravochnick.ru/fizicheskaya_kultura/sportivnaya_metrologiya/


# ЮНОН-РУМ КУРАШИ ТАРИХИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

**10.53885/edinres.2022.30.68.088**

**Ярашев Жамшид Раззоқович**

**Аннотация**. Мақолада юнон-рум курашининг жаҳонда, жумладан, Ўзбекистонда ривожланиши тарихига бағишланганбўлиб, унда бу кураш турининг қоидалари қисқача баён этгилган. Шунингдек, маколада юнон-рум курашини Ўзбекистонда янада оммалаштириш муаммолари кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** юнон-рум кураши, ривожланиш, чемпионат, спорт, Ўзбекистон, олимпиада, мусобақа, Европа, халкаро.

Жисмоний тарбия ва курашнинг ривожланишида Қадимги Юнонистон алоҳида ўрин тутади. Эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда Қадимги Юнонистонда жисмоний тарбия тизими яратилди ва у ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Махсус мактабларда тажрибали ўкитувчилар кураш, шунингдек, қисқа масофаларга югуриш, узунликка сакраш, найза ва диск улоқтиришлардан ташкил топган дастур бўйича болалар тайёргарлигига алоҳида эътиборбергаплар. Шу билан бирга, шуғулланувчилар қўл жангини олиб бориш, тошлар улоқтириш малакасини эгаллаб борганлар.

Қадимги Юнонистондаги кураш техникаси ва унинг ривожланиши тўғрисида кўп сонли ҳайкаллар, амфоралар ҳамда вазалардаги тасвирлар, қадимий шоирлар, тарихчилар, файласуфлар – Гомер, Пиндар, Платон ва бошқаларнинг асарлари гувоҳлик беради. Масалан, Гомернинг “Илиада”сида (эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда) Аякс ва Одиссей ўртасидаги беллашув шундай баён этилади: “Курашчилар белбоғларини тақиб, майдон ўртасига чиқдилар ҳамда қўллари билан маҳкам чирмашиб, бир-бирларини ўраб олдилар. Кучли кучоқлашиш остида қаҳрамонларнинг гавдалари қирсиллади, зўриқди ва улардан тер қуйила бошлади. Курашчилар гавдасидан конлар сизиб чиқа бошлади, лекин улар олишишни давом эттиравердилар”.

Курашнинг бошқа жисмоний машқлар билан бир қаторда санъатга тенглаштирилиши ўша даврнинг ўзига хос хусусияти эди.

Қадимги Юнонистон Олимпия ўйинлари ватанига айланди (эрамиздан аввалги 766 й.). Биринчи Олимпия ўйинлари дастурига қадимги кураш мустақил спорт тури (эрамиздан аввалги 708 й.гача), шунингдек махсус бешкурашнинг таркибий қисми сифатида (эрамиздан аввалги 708 й.дан бошлаб) киритилган.Ўша даврдаги кўпгина таниқли арбоблар – математик Пифагор, шоир Еврипид ва файласуф Платон, Пиндар ҳамда бошқалар Олимпия ўйинлариғолиблари бўлишган.

Юнонларнинг ҳар томонлама жисмоний тарбиялаш тизими ўрнини Қадимги Римдаги аниқ ифодаланган ҳарбий-жисмоний тарбия эгаллади. Бунда жанговар ўйинлар ва сафдаги тайёгарликка катта эътибор қаратилди. Гладиаторлар жанги ва жанговар аравачаларда мусобақалашиш каби томошабоп ўйинлар катта ўринни эгаллай бошлади.

Кураш энг қадимий, ҳаммабоп ва кенг тарқалган миллий спорт турларидан биридир. Спорт кураши мактаби – эркин кураш, юнон- рум кураши, самбо ҳамда дзюдонинг муваффакияти барча халқлардаги миллий кураш турлари, хусусан, ўзбекча миллий кураш турлари, грузинча чидаоба, қирғизча курес, қозоқча курес, корея кураши, қўл кураши – армрестлинг, сирим ва бошқаларнинг кенг ривожланганлиги билан белгиланади. Дунёда хар бир мамлакатда ўзига хос кураш тури мавжуд, улардан Ўзбекистонда кучли ривожланиб келаётгани: бухороча ва фарғонача кураш турларидир.

XVIII-XIX асрларда Европада, айникса, Францияда кураш билан қизиқиш қайта тиклана бошлади. Аҳоли ўртасида курашга бўлган қизикишнинг уйғониши кўп сонли профессионал курашчиларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. XIX аср ўртасида Парижда биринчи ихтисослашган кураш майдонлари очилди, шунинг учун 1848 йилФранцияда профессионал кураш ривожланишининг бошланиши ҳисобланади. Шу тариқа бу спорт тури халқаро майдонда танилди. Букураш тури Европанинг ҳамма давлатларида “французча кураш” номи билан кенг тарқалди.

Курашнинг Қадимги Юнонистон, Қадимги Римда ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда французча курашга “юнон-рум” кураши номи берилди. У бизнинг мамлакатимизда узоқ вақт “классик кураш” деб атаб келинган. Олимпия ўйинлари тикланиши билан 1896 йилдаги Олимпия ўйинлари дастурига кураш ҳам киритилди. 1898 йилдан бошлаб Европа чемпионати, 1904 йилдан эса жаҳон чемпионатлари ўтказиб келинади. 1912 йилда ҳаваскорлар ўртасида кураш мусобақаларини кузатиш ва ўтказиш бўйича Халқаро кўмита тузилди. 1921 йилда мазкур кўмита Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясига (ФИЛА) айлантирилди. У ҳозирда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. ФИЛА жаҳондаги энг йирик ва таъсир доираси катта спорт ташкилоти ҳисобланади.

Юнон-рум курашида икки киши (спортчи) белгиланган қоидалар асосида ғолиблик учун олишади. Юнон-рум кураши мусобақалари диаметри 9 м (ўлчами 12х12 м) спорт майдонида ўтказилади. Эркаклар 55, 60, 66, 74, 85, 97 ва 120 кг вазн тоифасида курашадилар. Мусобакалашиш вақти 2 минутдан 3 давра, давралар орасидаги танаффус 30 секунд. Юнон-рум курашида эркин курашдан фарқли равишда ракибларнинг оёқ кисмидан ушлаб усуллар бажаришига рухсат этилмайди. Бажарилган усуллар 5 (соф ғалаба), 4 (техник устунлик ёки четлатиш), 3 ва 1 очко билан баҳоланади. Ғолиб тўплаган очколарига кўра аникланади. Агар курашчилардан бири 5 очкога мос усул бажарса, 1,2-даврада кетма-кет ғолиб деб топилса, рақибидан 6 очко фарқ билан ўзиб кетса, шунингдек, ҳакамлар, мураббийлар ва шифокор қарорига кўра олишув муддатидан олдин тўхтатилади. Қадимий кўп халкларнинг миллий кураш турларида замонавий Юнон-рум курашида қўлланиладиган усуллар бўлган (қадимги кураш).

Юнон-рум кураши мусобақалари 1896 йилдан замонавий олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ва ўша йилдан Халқаро Олимпиада кўмитаси таклифига кўра, расман “юнон-рум кураши” деб атала бошланган. Юнон-рум кураши бўйича 1904 йилдан ҳаваскор (1950 йилдан профессионал) курашчилар ўртасида жаҳон чемпионатлари ўтказиб келинади. Юнон-рум кураши ва эркин кураш турларини ривожлантириш мақсадида 1912 йилда Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси тузилган, унга 154 давлат (Ўзбекистон 1992 йилдан) аъзо.

Ўзбекистонда юнон-рум кураши 19-асрнинг охирларидаоммалашган. Бунда циркда ташкил этилган беллашувлар муҳим роль ўйнаган. Ўзбекистонда етишиб чиққан Аҳмад полвон шундай мусобақаларда иштирок этган. Юнон-рум кураши коидаларининг миллий кураш коидаларига бир қадар ўхшашлиги бу спорт турининг мамлакатда тез ривожланишга замин яратди. Лев Турин, Герман Сандлер, Рифат ва Абдулмажид Абласвлар каби мураббийлар раҳбарлигида Юрий Зеленин, Ҳамид Воҳидов, Рустам Казаков, Комил Фаткулин, Аслиддин Худойбердиев, Дилшод Орипов, Александр Доктуришивили сингари юнон-рум кураши усталари Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ҳамда бошқа нуфузли мусобакаларда ғолиб чиқишган. Мамлакатдаги 487 та спорт мактаби ва тўгаракда 191 мураббий кўл остида 5028 киши юнон-рум кураши билан шуғулланади.

Бу кураш тури бўйича мамлакатимиз спортчиларининг жаҳон микёсида мунтазам равишда юксак ғалабаларга эришиши учун ихтисослаштирилган спорт мактабларида истиқболли спортчиларни саралаш ишларини яхши йўлга қўйиш, мураббийларнинг янги педагогик ва компьютер технологияларидан фойдаланиб ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳамда вилоятлардаги университетларнинг жисмоний тарбия факультетларида замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлашга эътибор берилиши керак.

ривожлантириш воситалари ўқитувчининг тегишли кўрсатмалари бўлиб, улар ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва ҳаракатлар билан қўллаб-қувватланади. Коменский болани ахлоқий тарбиялашда ўқитувчининг ахлоқий хулқ-атворининг ўзига хос намунасига, шунингдек, ҳаётдан мисоллар ва тарих ва адабиётдан олинган мисолларга катта аҳамият берди [3].

Ўқитувчининг зарур касбий фазилатлари ва унинг деонтологиянинг фан сифатида яширин ривожланиши давридаги хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ғояларни таҳлил қилиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, ўқитувчининг зарур касбий фазилатлари ҳақидаги ғоялар эволютсиясининг тарихий таҳлили шуни кўрсатдики, инсоният жамиятида ғоялар ва ўқитувчи ва шифокорнинг касбий фазилатларига қўйиладиган талабларнинг шаклланиши кўп жиҳатдан диний-маърифий хусусиятлар билан белгиланадиган ижтимоий-маданий шартлиликка эга.

1-жадвал

Ўқитувчининг зарур касбий фазилатлари ва деонтологиянинг фан сифатида яширин ривожланиши давридаги хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ғоялар.

| Тарихдаги давр | Ўқитувчининг зарур касбий фазилатлари ҳақидаги ғоялар |
|---|---|
| Қадимги Юнонистон (Аристотел , Сократ, Платон ва бошқалар) | Баркамол жисмоний ривожланиш, таълим, ўз-ўзини тарбиялаш истаги, болаларни тарбиялаш истаги |
| Қадимги Рим (Квинтилиан, Сенека, Тситсерон, Тсезар ва бошқалар) | Педагогик тажрибанинг мавжудлиги, ўз-ўзини билишга интилиш, сабр-тоқат, меҳнатсеварлик, муҳаббат. Ватан, фарзандлар, ота-онага ҳурмат |
| Ўрта ёш | Қатъийлик, талабчанлик, шафкатсизлик, боланинг шахсиятини тарбиялаш муҳимлигини инкор этиш, ҳаётий тажрибани ҳисобга олиш зарурати. |
| Ислоҳотнинг дастлабки даври (Е. Роттер ҳоним ва бошқалар) | Меҳрибонлик, донолик, мулойимлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, бўйсуниш, ирода, хушмуомалалик, болаларга муҳаббат |
| Ислоҳотнинг якуний даври (Я. А. Коменский ва бошқалар) | Ахлоқ, фазилат, мўътадиллик, диндорлик, тақво, билим, донолик, чидамлилик, мардлик, ҳалоллик, адолат, ахлоқий тажриба |

Бироқ педагогика тарихига оид тарихий материаллар ва адабиётлар таҳлили ўрганилаётган даврда жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий фазилатларига жамият томонидан қўйилган аниқ талабларни аниқлаб бермади. Бу, бизнингча, ушбу турдаги фаолиятнинг аҳамияти ва зарурлигини жамоатчилик томонидан эътироф этилмаётганлиги билан боғлиқ.

Деонтология нафақат касбий бурч муаммосини ҳал қилиш йўлларини, балки касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида ахлоқни шакллантириш масалаларини, ходимнинг ўз касбий фаолияти сифати, касбий сирларга риоя қилиш ва сақлаш учун жавобгарлик чоралари ва шаклларини ҳам кўриб чиқади.

Касбий хулқ-атвор қоидалари одатда икки қисмдан иборат:

- мафкуравий, шу жумладан ташкилот ходимлари фаолиятининг миссияси ва мақсадлари;
- норматив, шу жумладан касбий хулқ-атвор стандартлари ва нормалари.

Юқоридагиларни умумлаштириб, биз касбий хулқ-атвор стандартлари хулқ-атворнинг ахлоқий меъёрларига жуда мос келишини таъкидлаймиз. Шундай қилиб, нормалар ва қоидалар одамларнинг ижтимоий муносабатларини ҳукмронлик қиладиган жамоатчилик фикри асосида тартибга солиш воситалари бўлиб, уларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларини рағбатлантиради. Ушбу нормалар касбий бурчни бажариш характерини белгилайди, касбий фаолиятнинг маънавий оқибатларининг таъсирини ҳисобга олади. Жамият томонидан ходимга қўйиладиган асосий ахлоқий талаб унинг меҳнат фаолияти ижтимоий тартиб, касбий мақсад ва ижтимоий талабларга қанчалик мос келишини баҳолашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бентам И. Введение в основания нравственности и законодательства. An Introduction to the Principles of Morals and Legislation. - М. : РОССПЭН, 1998.-415 с.
2. Веселова Е. К. Психологическая деонтология: дис. ... д-ра психол. наук. - СПб., 2003. - 402 с.
3. Мудрость тысячелетий / авт,- сост. В. Балязин. - М., 2010. - 304 с.